

# ТОШКЕНТ

## Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан • № 126 (6. 017) • 1986 йил 2 июнь, душанба • Баҳоси 3 тийми.




## КПСС XXVII съезди белгилаган йўлдан

### Планга қўшимча

«Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси коллектив янги беш йилликнинг биринчи йили план тошириқларини муддатдан илгари адо этди. Учинчи социалистик мусобақа тўбора қизитиб бормоқда. Корхона меҳнат ахли турт ойлик плани ортнги билан бажарди. Шу вақт мобайнида ярим миллион сўмликка

яқин замонавий приборлар ишлаб чиқарилди. Зарбдор вахтада коммунистлардан А. Сердюк, С. Марговский, А. Слободянский бошчилик қилаётган слесарь-монтажчилар бригадалари пешқадамлик қилишаётир. Бу коллективлар кунлик смена тошириқларини 25—40 процент ошириб адо эттишмоқда.

Корхона ишчилари Улуу Октябрьнинг 89 йиллиги шарафига ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият қабул қилишди. Шунга қўра ўн ойлик планга қўшимча 50 миң сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва ярим тонна металл, 15 миң киловатт-соатдан ортнқ электр энергия иқтисод қилинади.



Тошкент экскаватор ремонт таъриба-механика заводининг ишчан коллектив янги ерларини ўзлаштираётган чўқулар механизатор меҳнаткорлар учун кенг қўламдаги труба йиқитувчи машина-механизмларни қўллаб тайёрлаб йўнатмоқда.

СУРАТДА: мелиорация тармоқларига суғориш қувурлари ётқишиш учун мослама тиралган трактор платформага ортилмоқда.

М. Нурриддинов фотоси.

### Меҳнатдан келса бойлик...

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган принципини оғишмай амалга оширишда муҳим босқич бўлиб хизмат қилади. Бу қарор нопок йўл билан бойлик орттирувчи чайқовчилар, давлат мулкни талон-тарож қилувчилар, порахўрларга, ҳуллас пешона тер тўймай мўмай пул топаётганларга кескин зарба беради.

Книш қадрини меҳнат оширади, деганлари рости. Мен бу сўзнинг нақадар ҳаққонийлигини узоқ йиллик меҳнат фаолиятим мисолида чуқур ҳис этдим. Қасбим — қурувчи. Қурилишда ишлабман. Мен учун ҳам-шаҳарларимнинг замонавий ва шинам квартиралар билан таъминлашдан ўзга бахт йўқ. Йиллар давомида қанча-қанча қурилишларда қатнашдим. Ҳалоқ меҳнатим мени алга танитди. Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар Дўстлиги орденлари билан таъдирилдим. Оддий қурувчилардан бригад бошлиғи даражасигача кўтарилдим. Ахир меҳнат киши учун бундан ўзга бахт бўлиши мумкинми?

Бригадаси комплекслашган. Коммунистик бригада номини олган. Унинг 54 аъзоси бор. Қурувчилари

мизнинг ҳаммаси ўз касбига сидқиқидилан меҳр қўйишган. Коллективимизда нам ишлаб, кўпроқ маош олувчиларга мутлақо ўрин йўқ. Ҳар ким ишига, бажарган ҳалоқ меҳнатига яраша ҳақ олади.

Ҳаётда турли ҳодисаларга, турли одамларга дуч келсан, киши. Очирини айтганда, магазин пештахтаси орқасида турган басавлат йигит ёки бозорда кўзи солма кесак» териб чайқовчилик қилаётган коматдор аёл ва умрини беҳудлага совураётган биллаги кучга тўла кишиларнинг қўрғанимда гижиниб кетаман. Наҳот, улар осон иш ва текни пулни шунчалар галдоси бўлса. Текни томоқ бир кунни тешиб чиқишини билишмасмикан улар? Қанчалдан-қанча бунёдкорлик ишлари бу кишиларни кутаётгани, наҳот уларга қоронғу бўлса?

Ҳалолликка нима етсин. Ҳалолликнинг ўзини олиб-жаноб фазилати қилиб олган жамиятимиз кишиларидан ҳар қанча ўрнак олса арвайди. Зеро, пешона тери тўкиб топилган бир бурданон текни паловдан миңгачандон қадрли ва мазалидир.

Т. САМИФОВ, «Главатшакестрой»нинг 12-трестига қарашли 49-қурилиш бошқармасининг комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи.

### Мусобақа ғолиблари

Шахримиздаги «Подъёмник» завод коллектив янги беш йилликнинг биринчи йили план-тошириқларини муддатдан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақадан ақтин қатнашмоқда. Зарбдор вахтада ҳар қанча корхонанинг металл

конструкциялар ҳеки ва экспорт маҳсулот ишлаб чиқарувчи улашмас ишчилари пешқадамлик қилишаётир. Қуни-кеча корхона коллектив Монголия ва Кубага навабодлар туркум бюуртма маҳсулотларини йўнатди. Бригадалар ўртасидаги мусобақадан В. Шеклен

бошлиқ йиғувчи-слесарлар коллектив олдидан бормоқда. Кунлик смена тошириқларини 140 процентга етказиб адо этаётган бригадани ишчилари ўз зиммаларига олган йиллик планини Улуу Октябрьнинг 89 йиллиги нишонланадиган кунгача бажаришга жазм этишди.

### «Аъло» баҳо билан

Киров районининг Хуршид қўчасида янги бир ноқад кўтарди. Замонавий усулда қурилган бу объектис Аскар Назаров бошлиқ комплекслашган бригада аъзолари бунёд этишди.

«Промстрой» трести коллективлари орасида энг пешқадамлардан ҳисобланган бри

гада аъзолари қурилиш ишлари сифатини бажариб, бинони аъло баҳода фойдаланишга тоширишди. Истиқомат қилувчилар учун қўлай шароитлар яратилган бу биного «Главсредэпроект» р о йинини иши ва хизматчилари кўчи қиришди.

### Янги илмий секция

вакиллари тақлиф этилди. Тошкент политехника институтининг янги ерларини ўзлаштиришда янги техниканинг ролини ёрқин мисолларда очиб берди. Тошкент халқ ўқулини институтининг катта ўқитувчиси В. Обидов ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштиришда инсон омилни ҳақда таъсирчан фактлар келтирди. Тошкент Давлат

маданият институтини доценти, техника фанлари кандидати В. Брискин илмий-тектириш ишларини амалга ошириш пайтида автоматлаштирилган интеграл системалардан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақда доклад қилди.

Секциянинг олдига техника ва иқтисод фанлари янгиликларини кенг пропаганда қи

лиш, бу соҳадаги янгиликларни турмушга теэрқ жорий этиш вазифаси қўйилди. Унинг машғулотлари ҳар ойда бир марта ўтказилади. Бу машғулотларда йиринк олимллар, ишлаб чиқариш илгорлари, моҳир пропаганда-дистлар иштирок этишади.

В. МАВЛОҚОРИЕВ, Тошкент политехника институтининг доценти.

### Об-ҳаво ва саломатлик

Маълумки, об-ҳаво бизнинг саломатлигимизга таъсир кўрсатади. У кишининг муҳит билан иссиқлик алмашинувчи ўзгартиради, тери ярдасининг қон айланшини мувофиқлаштирилади, асаб, нафас олиш, юрак, томар ва терлаш системаларига таъсир кўрсатади. Шунингдек, ҳиссий, ақлий ва жисмоний активлиги, иштаҳани ўзгартиради. Унинг одам организмга таъсирини пасайтириш, одам ўз ҳолати ва ҳол-аҳволи қандай бўлишини олдидан билиши мумкинми? — кўпгина газетхонларимиз аян шу

ҳақда сурашган. «Оқшом» уларнинг истақларини инобатга олиб, «Об-ҳаво ва саломатлик» рубрикаси остида материаллар беришни давом эттирди. Бундай материаллар ҳар ҳафтада Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Наби Мажидович МАЖИДОВ тахрири остида бериб борилади.

### Маълумотларга таянган ҳолда

Азалдан маълумки, об-ҳаво саломатлигимизга, меҳнат лавқатини ва кейфийлигимизга сезиларли таъсир кўрсатади. Одам, айниқса у касал бўлса об-ҳаво ўзгартиришнинг худди барометрдек ҳис этгани: баъзиларнинг боши оғрибса ва айланса, бошқалар бўшашида, яна кимнингдир юраги узишад ва ҳоказо.

Узбекистонда 1983 йилда ташкил этилган Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтини қўшидаги медицина метеорологик прогноза ва метеорологик маркази самарали ишлаётди. Урта Осиё регионидан мунтазам ўзгартирувчи об-ҳаво омиллари шароитларида бемор организмнинг мослашув механизми кўпгина тадбирларини ишлаб чиқишда кенг имкониятлар очилди.

Атмосферада турли об-ҳаво жараёнлари ва метеорологик шароитларда шаклланиши ҳақда одам организмидан ўкиб бу касаллик кўринишларида намоён бўлувчи метеопатик жихатлар аниқланади. Улар бешта: спастик (торайтирувчи), тетаникларуви, гипоксия (болсим орттирувчи), гипотензия (бир ёқлама), аралаш таъсирлардир.


Атмосферанинг спастик (торайтирувчи) таъсири асосий ва иккиламчи совуқ фронтлар таъсири зонасида юқори атмосфера босимининг вужудга келиши шарт-шароитлари билан белгиланади. Бу даврда беморлар ўта таъсирланиш, уйқусизлик, организмнинг турли жойларидеги спастик ҳарактердаги оғриқлардан шикоят қилишлари мумкин. Врачлар уларда турли ички аъзолар (нафас йўллари, жигар, буйрак, ичак ва бошқа-

ши, ўртача тахтикардия, аъзоларнинг биров ишиши кузатилади.

Об-ҳавонинг шарт-шароити, га кўра қандай таъсирланишлар рўй беришини билган ҳолда, одам ўз ҳол-аҳволи ва саломатлигининг қандай бўлишини об-ҳаво маълумотидан фойдаланиб, осонлик билан олдидан билиб олиши мумкин. Айни пайтда, об-ҳаво ўзгартиришлари таъсирланишларининг олдидан олиш мумкин бўлади. Метеорологик шарт-шароитларни ҳисобга олиш, метеопатик реакцияларнинг келиб чиқишига йўл қўймайлик касалликлардан организмни муҳофаза этиш ва бир маромда даволаш ишларини олиб бориш имкониятини беради.

Олимлар томонидан турли касалликлар билан оғриган, айниқса қон босими бор беморларни планли равишда, маълум илмий-тадқиқот институтини мутахасссларнинг фикрига кўра, ҳаво ҳароратининг қутилаётган ўзгартиришлари, атмосфера босими ҳафта охирида қилинми нормадан кам фарқ қилиб, олдидан сўтқилик ўзгартириш сақлади. Кундузи ҳаво ҳароратининг энг кўтарилган пайтларида худди шу давр учун қиздирувчи метеорологик шарт-шароит вужудга келиши мумкин. Бундай об-ҳаво шароитида беморларнинг асосий

### Замондошимиз



Бахт ҳар бир кишига турлича қилиб боқади. Ленин бахтга эришиш йўли битта—ҳалоқ меҳнат, онлаға садоқат, одамларга ҳурмат. Сиз суратда кўриб турган Анвар Қўлматовнинг касби қурувчи.

— Мен бахтими шу касбдан топдим, — дейди у кўнрали билан.

Бироқ бу бахтга эришишнинг ўзи бўлмади. Бунинг учун Анвар озмунча кўйиб-лишмади, олиб-югурмади. Ахир у бундан ўн йил олдин ҳарбий хизматдан бўшагач, қурилишга иштаҳ келганида қурувчилар катта масъулият талаб қилишини тўла тушуниб етмаганди. Ушанда Анвар гишт олиб бериш ёки пойдеворга цемент ётқишиш ҳам иш бўлгани, билгадга куч бор одамга бунга ишлар чўт эмас, деб ўйлаганди.

У қурилишга келди-ю, фикри ўзгарди. Бу

ерда ишлаш ўзи ўйлаганчалик иш эмас экан. Қурувчиликнинг ўзига яраша муаммолари, ташвишлари, инжиқликлари бор экан. Йиллар давомда Анвар ана шулар билан курашди. Меҳнатдан чарчамлади. Ниҳоят ўз касбининг устаси бўлди, оддий қурувчиликдан бригадирлик даражасигача кўтарилди.

Ҳозир Анвар Қўлматов бошқаратган бригада «Главатшакестрой»нинг 3-қурилиш трести 44-қурилиш бошқармасига қарашли коллективлар ичидан пешқадам ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдор деган юксак нолағ сазовор бўлган коллектив шу кунларда шахримиздаги «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси янги корпусида бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда.

СУРАТДА: Анвар Қўлматов. Т. Каримов фотоси.

### Олий мактаб янгиликлари

### Робот ясашни ўрганишмоқда

Тошкент политехника институтининг дарсхоналаридан биринда кичик бир завод чеки пайдо бўлди. У металл қирқувчи станокларни ишлаётган сановат роботлари билан, бошқа хил энг янги механизмлар билан ижозланган. Олий мактаб республикада биринчи бўлиб робототехника ва микромашина системаларига доир янги ихтисослар бўйича студентлар тайёрлашга киришди.

Бўлгуси машинасозлик технологиялари, электрик-инженерлар машиналар билан мулоқот қилишни ўргана бошладилар. Янги ўқув йилида уларга инженер-конструкторлар ҳам келиб қўйилди. Улар учун электротехника, микромашина, механика, ҳисоб техникаси ҳамда робототехника комплекслари ва системаларини ясаш назариясига доир махсус программа ишлаб чиқилди.

Назарий курс практика билан ҳам босқич босқич олиб борилади: сановат роботларини яратиш ва жорий этиш учун катта-катта корхоналар билан шартномалар тузиламоқда.

Республиканин бошқа техник олий мактаблари ҳам мослашувчи автоматлаштирилган системалар, микропроцессорлар, робототехника бўйича мутахассслар тайёрлай бошладилар.

Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг коллектив чирнобиллик кичиктоғларига 3 миң сўмликдан энг турли-туман маҳсулотларини йўнатди.

Ўйинчоқларнинг пулни корхона меҳнатчилари шибалик кунин ишлаб топдилар. СУРАТДА: бригадир Алевтина Мангушева ўйинчоқларини йўнатишга ҳозирламоқда.

Р. Шамшудин фотоси, УЗАГА фотохроникаси.

### Қардошлик қонунига биноан АВТОМОБИЛЧИЛАР МАДАДИ

Чернобил атом электр станциясида юз берган авария ҳақидаги муҳим хабарни эшитган 1-автомобилчи ҳайдовчиси Кўнкор Луфтуллаевнинг бадири жимирлаб кетди. У кулфатини ўз бошига тушган талофот сифатида қабул қилди. Дардини шерикларига айтди.

— Хунук воқеа бўлибди. Ахир украинлар бизнинг қонқаринош дўстларимиз, уларга имдод беришимиз керак. Бир-иким ишч ўртасида бошланган сўхбатнинг доираси тўбора кенгайди. Ана шу асосда марказлашган ушуга юн ташвиш атомэлектрнинг 3-автомобили комбинатда катта йиғилиш бўлди. Кўнкор Луфтуллаев насабдошларини авариядан талофот кўрган чернобилликларга ёрдам беришга даъват этди.

— Мен бу фикрга қўшилмаман, — деди 9-автомобилчи ҳайдовчиси Л. Залес, — украинлик дўстларимиз Тошкентда энг аввало оқибатларини бартараф этишда жонбозлик кўрсатишган эди. Дўст бошига ташвиш тушганда унинг дардини енгиллаштириш совет турмуш тарзининг асосий қонуинларидан биридир. Мен бир кунлик иш ҳақини Чернобил фондига топиришга даъват этман.

Бу фикрга ҳамма яқдиллик билан қўшилди. Кўп ўтмасдан, янми 24 май кунини автомобильчида шибалик ўтказилди. Шу кунин ишлаб топилган 7 миң сўмлик маблағ Чернобил фондига топирилди.



Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг коллектив чирнобиллик кичиктоғларига 3 миң сўмликдан энг турли-туман маҳсулотларини йўнатди.

Ўйинчоқларнинг пулни корхона меҳнатчилари шибалик кунин ишлаб топдилар. СУРАТДА: бригадир Алевтина Мангушева ўйинчоқларини йўнатишга ҳозирламоқда.

Р. Шамшудин фотоси, УЗАГА фотохроникаси.

### ҲИММАТ

Комсомол аъзоси, 7-нашрўтда троллейбус ҳайдовчи Сайфиддин Жумаев ҳиммат кўрсатди. У май ойи учун оладиган 176 сўм маошини тўла ҳолда авария тўғрисида фондига топиришга азд қилди. Унинг бу ҳимматини 2-троллейбус депоси комсомоллари, барча ҳайдовчилар, ремонтчилар ва техниклар маъқуллашди.

— Шу кунингдек ёдманда, — деди С. Жумаев умумий йиғилишда сўзга чиқиб, — бундан 20 йил муқаддам тошкентликлар бошига катта кулфат тушган эди. Кунли зилзиладан шўхор катта зарар кўрди. Ана шунда тошкентликларга ёрдам бериш учун биринчилардан бўлиб, украинликлар келишди. Улар бундэ этган шинам кварталлардеги бемирин йўларда ҳозир иминлаб ишчи ва хизматчилар истиқомат қилишмоқда. Энди бизнинг галкимиз нағланга ўтмайди. Биродарларимизнинг қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ёрдам беришнинг ўзининг виждоний бурчини деб биламан.



Жонажон Ватан бўйлаб

ТОННЕЛЬ ҚАЗИЛДИ

ТОШКЕНТ. Тянь-шань ғарбий атакларида қурилатган Хисорак суви омбунининг сўнгги тоннели қазилди...

САБЗАВОТ КОНВЕЙЕРИ

АШХОБОД. Туркманистоннинг очик сабзавот далаларида сабзавот конвейери ишлаш бошлади...



МОСКВА. Победа майдонидagi Триумфаль пештоқ олдида.

A. Чумичев, В. Созников фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЯНГИ СИСТЕМА

ХАРЬКОВ. Бу ерда Украинида биринчи шахар электр транспортини диспетчерликдан бошқариш автоматлаштирилган системаси жорий этилди.

Ўқувчи-шофёр

МИРНИЙ. (Якутия АССР). Якутиянинг Мирний шаҳридаги 1-мактаб дарс жадвалига автомобиль иши дарслари киритилди.

Чўпонликка имтиҳон топшириб

КАМО (Арманистон ССР). Арманистондаги Тамашев номи совхозда техникум ўқувчилари чўпон номини олиш учун меҳнат имтиҳонини топширдилар.

Тўлқиннинг йўли тўсилди

ЯЛТА (Крим области). Кримлик гидрощоот қурувчилар Ялта курорт полилинисининг доволанш плъжларини кенгайтиришга киришдилар.



Саломатлик прокат пункти

ГОРЬКИЙ. Шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатиш системасида «Весна» янги прокат пункти пайдо бўлди.

В. Войтенко фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Тўшток ҲАДЯ ЭТИЛГАН АСАБ...

(Бўлган воқеа)

Мирҳолиқ биринчи сменда ишлади. Автобусни гаражга қўйиб дарвоза ёнидаги қоровул хонасида ўйнаётган уч-тўрт нафар ҳамкасблари билан гуфурлашди...

Мен одатдагидек, бу гал ҳам даля йўлидан ёлғиз ўзим борар эким. Йўлнинг икки чеккасида саф торган баланд-баланд алпоқмат тираклар элс-элс эсаятган майин тоғ шабдаси...

ЯЛПИЗ

Қатра

Ғажа бир ғўзаллик намоён бўларди. Аёллардан бири хамир қорса, иккинчиси зувава қилар, бошқиси эса ясалган қулчалар моҳирона чакчи ўради...



НИЛУФАР

Кўзинг тушса яйрайди дил, Хоҳ оқшомдир, хоҳ саҳардир. Сув юзюда турган қандил — Нилуфардир, нилуфардир. Гуллар ичра ягона гул, Эллар ичра афсона гул. Сув юзюда қошона гул — Нилуфардир, нилуфардир. Кўлу —ховуз дурдонаси, Боларилар парванаси. Ғўзалликка ягона гул — Нилуфардир, нилуфардир... Одил САТТОРОВ.

Сеҳрли кинолар...

Болақай қошида Қорбобо бирдан Ўлбосини еча бошлаган каби, Кино сирларини битта билимдон Аямай бир-бир фойда бошладди. Масалан мени ҳеч қанча қизиқтирганмас Кинога керакки ускуна, жиҳоз. Кинодан мен турфа тошқирлик эмас. Ҳаёт тасвирини излайман, холос. «Кино — мўъжизалар салтанатидир, кино сеҳрлар дунёси азал...» Менга гўдақликдан таниш бу фикр Қадрин йўқотмас дейман ҳар маҳал. Қаҳрамон чўққидан қулаб кетади, Қулга айланади юксак бинолар. Бизни ҳайратларга бади этади, Сеҳрли кинолар, сирли кинолар. Майли, каскадёрлар иштирок этсин, Майли, ёсин фақат қороз бинолар. Қулдирсин, йиғлатсин, ўйлаб кўйсин Бизларни сеҳрли, сирли кинолар. Мўъжиза — мўъжиза бўлсин-да мудои, Мўъжиза найранга ўхшаб қолмасин. Ҳеч ким чўққатган одамга қараб «Мураккаб сьемка!» дея олмасин... Абдуқалом ИУЛДОШЕВ.

Донолар бисотидан

ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ ● Болани сўқишса, уришса ва турли йўллар билан хафа қилишса, у энг кичик ёшдаюқ ўзини ёлғиз сеза бошлайди. Д. И. ПИСАРЕВ. ● Болаларнинг ўйинида кўпинча чуқур маъно ётади. Ф. ШИЛЛЕР. ● Болаларни ширинликлар, печене ва конфетлар билан сийлаб, улардан соғлом кишилар етиштириб бўлмайди. Мазнавий озиқ ҳам худди егуликка ўхшаб олди ва тўйимли бўлмоғи керак. Р. ШУМЕН. ● Болаларни ҳамма вақт ҳам тақдирлайвериб ярамайди. Бунинг оқибатида улар ўзларига бини кўя бошлайдилар ва уларда сел нарсага ўзларини тарозига солиш фикри кучая болади. И. КАНТ. ● Болаларнинг яхшиликни сингдириб ўстириши, унга бахтни фўқатгина шу беради. Л. БЕХОВЕН.

Келинг, бир кулишайлик ХАНДАЛАР

Бир аёл эри билан улфатчилик қилиб юрадиган кўшнисидан ташвишланиб сўради: Кўшини, сиз ливохонада эримни кўрмадингизми? Кўшниси жавоб берди деди: Кўрмадим. Аммо, тўғриси, стол остини қараганим йўқ. Бир киши шикоятлар бюросига кириб деди: Мен шикоят ёзмайман... Биро хотими ажабондлик сўради: Кўшниси устидан ёзмайсизми, шикоятни? Шунисики билмадим. Сиз менга бирор кишини тавсия этолмайсанми? Бир киши иккинчи кишига мурожаат қилиб деди: Қани, оғайни, сизгарадан бер. Ҳой, менга қара... деди иккинчи киши унга жавобан, — сен ўзин сизгарагарини нима қилсан?! Бундан биой илгарти учрашганимиздаям мендан сизгарага сўрагандинг тавба! Бир киз дугонасидан сўради: Сениб қолган йиғитнинг билан муносабатларинг қалай? Емон эмас, — дея жавоб берди дугонаси. У менга бундан бир йил муқаддам қўнўз ёнади қимматбахо пальто, кейин марварид маржон совға қилганди. Яна бир ой олдин тила узук тақиб қўйди қўлимга. Энди бўлса ўзимга хотин бўлишимни илтимос қилипти... Ҳим-м, тушунарли, Демак, итисот қилишни энди бошламакчи бўляптиякан, уша йиғитнинг? Агар мен сизга ўхшаб ҳаммадан қарздор бўлиб кетганимда, кўчада юришдан қўрққан бўлардим, — деди бир йиғит дўстига. Нега унақа депсан? — ҳайрон бўлиб сўради дўсти. Ахир ҳақдор одамлар рўпарадан чиқиб қолиши мумкин. Мен эса сираям қўрқмайман. Чунки, мен уша қарзга олган пуллара «Жигули» сотиб олиб, унда ғизиллаб юрган бўлсам, ҳақдорлар шёнда юришадилар! Тўлповчи Т. МАХМУДОВ.

Акс садо «КУЛГИ НЕГА ЖОН ОЗИГИ?»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», 1986 ЙИЛ 25 МАРТ

Айни мудоа бўлур эди Муҳаммад Ҳамроевнинг қулгининг ҳаётдаги роли ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари ўрнида. Мен ҳам қулги шайдои сифатида барча газетчилик сингари айрим фикр ва мулоҳазаларини айтимоқчиман. Аввало қулги кунлари, ҳафталари, кечалари бизда ҳам ўтказилиб турилса фойдалан ҳоли бўлмас эди. Телевидение, радио ва матбуот органлари халқимиз ўртасида қулгини кенг тарғиб этинса... одамларнинг саломатлигига, ишига анча нафти теғар эди. Республикаимиз областларида аксия ва сўз усталари қўлаб топилади. Улар турли мавзуларда пайролар айтишади. Халқимиз улардан доимо хурсанд. Бу каби сўз ўйини усталари ижодидан кенгроқ ва кўпроқ баҳраманд бўлсам, деган ниятдамиз. Газета саҳифаларида эса кашандалар, ичувчилар ҳақида сатира ва юморлар мунтазам эълон қилиб борилса, айни мудоа бўлур эди. А. ТОЛИПОВ, С. Раҳимов районидagi 181-болалар боғчисининг боғбони.

Таклифим бор

Бизда ўзининг қўнўз ва ҳаёли қўшниси ҳамда хушчаққа кайфият бағишловчи хандалар билан қўшниси ҳамда манзур бўлиб келатган ансамбллар, ёш истеъдодлар кўп. Ана шулар асосида «Ешлар қулги кечаси» ўтказилиб, телевидение орқали намойиш этилса, менимча қўшниси маъқул бўлар эди. Бу қулги кечаларида мамлакатимиз ва дунёнинг бошқа қитъалари халқларининг аслар давомида эъозлибон келатган сатира ва юморлардан ҳам фойдаланилса, дуруст бўлар эди. Чунки, қулги ҳаётимизда жуда зарур. У. ИНОҒОМОВА, ТошДўнинг IV курс студенти.

Умрга-умр қўшади

Ҳа, хушвақт ҳаёт дамлари инсон умрини узайтиради. Машҳур кизиқчи Юсуфжон қизиқ «Қулгин, умрингиз узун бўлади», деганда мутлақо ҳақ эди. Қулгини катталар билан бир қаторда фарзандларимиз ҳам хуш қўришади. Иложи бўлса, вақти чоғлини ташкил этувчилар болалар учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, репертуар планларини ишлаб чиқишса яхши бўларди. Дор ўйини, аксия айтиш, қизиқчилик, қўғирчоқбозлик — булар барчаси қадимдан давом этиб келатган санъатли турларидир. Шуларни янада бўй-баста билан, тўлагилча халқимизга намойиш этиш ҳозирги кунимизнинг асосий вазифаларидан, десак муболага бўлмайди. М. АХМЕДОВ, театршунос.

Меҳнатга ҳамдам туйғу

Яхши меҳнат қилган ҳар бир инсон мириқиб дам ола билиши ҳам керак. Маълумки, соя-салқин истроҳат болаларида қулги кечалари, сатира-юмор усталари билан учрашувлар, сайил-томшалар бўлиб турарди. Назаримизда, нафақат шахримизда, қолсаверса республикамизда «Қулги кун» ташкил этилиши лозим кўринади. Бу кун ижро этиладиган ҳар бир ҳажвий қўшиқ, сатирик, чиқиш, шеър ва бошқа тадбирларнинг гоёси, ҳаётда учраб турадиган турли иллатларга қарши ўтги, маъмувор ва самимий қулги асосида ташкил қилинсин. Биз «Қулги кун» ташкил этилиши тарафдоримиз. Ш. ХУДОБЕРДИЕВА, Ўзбекистон ССР Давлат Аграрно-саноат комитети ўқув-методик кабинетининг редактори. Э. ХУДОБЕРДИЕВ, Тошкент Давлат маданият институти доценти.

Анъаналар давом этсин

Айрим нуруний отахон, онахонларни қулиб, ифбат-ҳаё билан термулиб туртирилгани кўриб, «мунча ҳам истариса иссиқ экан», деб ҳавасингиз келасди. Бекорга айтилмаганда «овалар кулсалар, жаҳон қуллайди» деб. Ўтган йили Наманган шаҳридаги истроҳат боғида «Гул сайли», «Табиа инъомлари» байрамида истроҳот этганимизда илғилар чўшамиларлар, биллар, ишчилар, деҳқонларнинг хушнуд бўлиб, чехралари ёниб турганлигини тўғхон бўлди. Чунки, ўша икки кун ичюда Ўзбекистон ССР халқ артисти Камолдин Раҳимов, қўнўзлик республика аксиячилар конкурсининг лауреатлари Йўлдошхон Носиров, машҳур аксиячи — Пулат қизиқнинг ўғли Жўраҳон Пулатов, қизиқчи Муҳиддин Дарвешев, андижонлик аксиячиларнинг чиқишлари кишиларга бир олам руҳий озуға бағишлаб, яхши меҳнат қилишларига қўп ёрдам берди. Тошкент ғўзал, нафосатли, ободгина бўлиб қолмай, қулги шаҳри ҳам бўлиб қолсин. А. ДАДАБОВЕВ, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасининг директори.

Қаҳқаҳа янграйверсин

Нур зинистон бағрини тилка-пора қилганидек, қулги бор жойда иғво, фитна, ғараз, илтиш-иш, фисқ-фужур каби ярамас иллатлар минг қаққирим нарға қочади. Ҳа, қулги шод-хуррамлик рамайдир. Юракдан қулган кишида ланжлик, диққинафаслик, хомушлик, ғам-ташвиш, тундинки сизгари ҳис-туйғулар йўқолади, унинг чехраси булутини ёриб чиққан қўшиқдек ёришади, кайфи чоғ бўлади. Қўнўзликнинг қаҳқаҳаси эса хушчақчақлик симфониясига ўхшайди. Халқ-халқ кўз ўнгимдан кетмайди. 1934—40 йилларда маданият ва истроҳот болаларида, очик майдонларда омманий халқ сайллари, аксиябозлик кечалари бўларди. Ача Бухор, Охунжон қизиқ, Муллақо, Қорак деган қулги дарғалари, ичакўзди қулгилар қилинса, Жўраҳон, Маъмуржон, Икром ва Исахон акалар каби хушовоз ҳофизлар бундай йиғинларга фойз кiritишарди. Уша пайтларда ҳам одамлардаги баъзи кусур ва камчиликларни, иллатларни чиройли аксия пайролари билан «нишон»га олишса, айриллар «аксия» — шучаки бир сафсата» деб юришарди, зотан бундайлар ҳозир ҳам бор. Мақолада баён этилган фикрга келсак, менимча, қулги кунлари ўтказиш ҳақидаги гапга икки қўлгини баланд кўтариб қўшимоқ керак. Бироқ уни йилда бир марта эмас, Май, Улду октябр байрамларида ҳам ўтказиш мумкин. Бунда М. Ҳамроев айтганидек, Ўзбекистон ёзувчилар ва рассомлар союзлари, Маданият министрлигига қарашли қатор ижодий ташкилотлар, шаҳар Совети ижрония комитетининг маданият бошқармаси вакилларидан иборат Ташкилий комитет тuzилиши керак. Кейин махсус Низом асосида катта тайёргарлик қўрилиб, бой программа бўйича ўн мингларча томошабин сизгидан стадионларда ўтказилгани маъқул. Яқиндан бери обод маҳалла чойхоналарида ҳам қулги кечалари ўтказилмоқда. Жумладан, Фрунзе районидagi «Табассум» чойхонасида бир неча марта аксия кечалари, Акмал Икромов районда сатира-юмор кечалари ташкил қилинида ва ҳоказо. Буларнинг барчаси фаровон ҳаётимизга ярашқили тадбирлардир. Шаҳримизда сатира театрининг ташкил қилиниши ҳам қувонарли ҳолидир. У ўз репертуарларини ичхамроқ сатира ва юмор, комедия асарлари билан бойитиб бориб, қўпроқ гастролларга чиқинчи, қишлоқ хўжалик ва торхоналарнинг меҳнатчиларига хизмат қилишни кўзда тутишса айни мудоа бўлур эди. Яна бир хушхабар — республика сатира-юмор музейини очиб ҳақидаги гап. Бу ҳақида «Берак» «Яхши» дейилгани билан ташаббус амалда олишса, ташкилчи қолсаверса, дейиш ҳам мумкин. Хабарим бор, ўтган йили олимлардан Виллод Аминов ва Гани Яхонтовлар мутахассислар билан кенгашиб, шу ҳақида ишга тайёргарлиди. Бу эъзу иш албатта қўлаб-қуватланади, деган умиддамиз. Хўдлас, яхши кайфият билан қулиб кирсанг йиғинга — унга не етсин. А. ЗАИНИДИНОВ, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

